



**ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ЖОЙЛАРИДА ЖАЗО
МУДДАТИНИ ЎТАЁТГАН ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ЖАЗОНИ
ИЖРО ЭТИШ ДЕПАРТАМЕНТИГА КЕЛИБ ТУШГАН
МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСИ ВА ТАҲЛИЛИ.**

(2025 йил мисолида)

А.А. Насритдинов–

ЎзР ИИБ Академияси ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада жазони ижро этиш департаменти тизимидаги минтақавий мувофиқлаштириш марказларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари таҳлил қилинган, Жисмоний ва юридик шахслар билан ишлаш гуруҳининг таркибий тузилманинг асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёритилган. Жазони ижро этиш департаменти координацион вазифалари доирасида ўзаро ҳамкорлик ҳамда жисмоний ва юридик шахслар томонидан ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Калит сўзлар: Жазони ижро этиш департаменти, ҳуқуқий асослари, жиноий жавобгарлик, жисмоний ва юридик шахсларнинг муроожатлари соҳасидаги ислохотлар, Конституциявий-ҳуқуқий асослари, қонун устуворлиги, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **35-моддаси**да Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда



ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги белгилаб қўйилган[1]. Мурожаатлар соҳасида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу борадаги қилинаётган ижобий ўзгаришларнинг натижаси жамиятимиз ҳаёти ва кундалик турмуш-тарзида ўзининг яққол ифодасини топиб, халқимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга бўлган ишончи кунданкунга ўсиб бормоқда. “*Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак*[2]” деган ғояни кундалик фаолиятимизнинг бош мезонига айлантириб, мамлакатимиз ҳаётига ва унда истиқомат қилаётган халқимизнинг турмуш-тарзига оид ҳар бир қарор, фармон ва бошқа норматив ҳужжатларни халқимиз билан маслаҳатлашиб қабул қилмоқдамиз. Давлат органи ходимлари, аввало, биринчи раҳбарлар фақатгина кабинетда ўтириш билан чекланиб қолмасдан, жойларга бориб, халқнинг ичига кириб, ҳар бир хонадонга ташриф буюриб, аҳолини безовта қилаётган, ечими зарур бўлган энг долзарб муаммолар билан шуғулланмоқда. Бундан ташқари халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси ташкил этилганлиги бу тизимнинг асоси бўлиб ҳисобланади[3].

Ҳозирги кунда ушбу қабулхоналар фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда. Айтишимиз мумкинки, жойларда раҳбарлар ходимларнинг фаолиятда йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш бўйича шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муҳим натижаси бўлди[4].



Давлат органлари ва давлат муассасаларига, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2017 йил 11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг «*Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида*» ЎРҚ-445-сон[5] Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ барча давлат органлари, ташкилотлар ва муассасалар фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш соҳасида ўзларининг фаолиятини ташкиллаштиради ва олиб боради[6].

Ўзбекистон Республикасининг «*Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида*» 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ-445-сон Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «*Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида*» 2018 йил 7 майдаги 341-сон [7] қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида 2024 йил 24 апрелдаги «*Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари*» 200-сонли Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи[8]да мурожаатларни қонунийлиги, мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш, мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги, мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлиги принциплари асосида кўриб чиқилади.

Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар мурожаатларнинг турлари ҳисобланади[9].



Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади. Жазони ижро этиш департаменти бошлиғининг 2024 йил 20 август кундаги “*Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш кунлари ва ижро этиш мажбурияти юклатилган соҳавий хизматлар*” №89-сонли буйруғи[10] тасдиқланган.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш юзасидан Департамент раҳбари ёки бошқа мансабдор шахси томонидан амалга оширилади. Бунинг учун департаментда махсус таркибий бўлинмалар, қабул учун масъул бўлган мансабдор шахслар белгиланган[11].

Департаментнинг таркибий бўлим раҳбарлари ёки бу борада ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари томонидан Жазони ижро этиш муассасаларида сайёр қабуллар, шунингдек оммавий комиссия қабуллар ташкил этилиши йўлга қўйилган. ЖИЭДда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадвали, уни ўтказиш вақти ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар ЖИЭДда ташкил этилган фуқаролар қабулхонасида ҳамма кириши мумкин бўлган жойдаги стендларга ҳамда бошқа техник воситаларга жойлаштирилган[12].

ЖИЭД раҳбарияти томонидан жазони ижро этиш муассасаларида сайёр шахсий қабуллар ўтказилиб борилади. Оммавий комиссия қабул муассасаларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг яшаш ва ишлаб чиқариш ҳудудида жойлашган ҳар бир биноларга ва жойларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилади.

Агар қабул давомида маҳкумлар томонидан баён этилган масалаларни ҳал этиш ЖИЭМ ёки ЖИЭД мансабдор шахсининг ваколатларига кирмаса, тегишли мансабдор шахслар мурожаат этувчи маҳкумга унинг мурожаатида



баён этилган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш лозимлигини тушунтирилади[13].

Маҳкумларни ёки уларнинг яқин қариндошларини мурожаатлари юзасидан шахсий қабул қилиш давомида ЖИЭД ҳамда ЖИЭМ раҳбарининг қарорига кўра мурожаат этувчига бу ҳақида хабар берган ҳолда махсус техника воситалар (аудио- ва видеоёзув, шунингдек фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин. Жазони ижро этиш муассасасида маҳкумлар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси ва бошқа қонунларда белгиланган истисно ҳамда чекловларни инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар.

Маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўлишлари ва мажбуриятларни бажаришлари мумкин. Маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари муайян жазо турини ижро этиш тартиби ва шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Маҳкумлар қонунчиликда белгиланган қуйидаги ҳуқуқларга эга[14]: жазони ўташ тартиби ва шартлари, ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот олиш; жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат этиш; ўз таклиф, ариза ва шикоятларига мурожаат этилган тилда жавоб олиш (мурожаат этилган тилда жавоб беришнинг иложи бўлмаган тақдирда жавоб Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида берилади. Жавобни интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс мурожаат этган тилга таржима қилиб бериш жазони ижро этувчи муассаса ёки орган томонидан таъминланади); тушунтириш бериш ҳамда ёзишмалар олиб бориш,



зарур ҳолларда таржимоннинг хизматидан фойдаланиш; чекланмаган миқдорда хат ва телеграммалар олиш ҳамда жўнатиш[15].

Муассасалар почта қутилари билан таъминланади ва улар муассаса маъмурияти томонидан ҳар куни текшириб турилади.

Жазони ижро этиш департаменти ҳамда тизим муассасаларига **2025 йил** давомида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар сони **10 637** та (*11 295*) бўлиб, олиб борилган тизимли чора-тадбирлар натижасида, мурожаатлар сони ўтган йилга нисбатан **658** тага ёки **6** фоизга камайишига эришилди.

Жазони ижро этиш департаментига жорий йилнинг декабрь ойида келиб тушган мурожаатлар **835** (*ўтган ойда 717 та*)тани ташкил этиб, ўтган ойга нисбатан **118** тага ёки **16** фоизга кўпайган. Мурожаатлар текшириш натижасига кўра:

- Президент портали: **4 427** (*6 221*) та **1 794** тага ёки *28,8* фоизга камайган;
- Бош вазир қабулхонаси: **5** (*5*) та;
- Почта орқали: **2 383** (*1 794*) та **589** тага ёки *32* фоизга кўпайган;
- Шахсий қабул: **2 225** (*2 320*) та **95** тага ёки *5* фоизга камайган;
- ИИВ ишонч телефони: **1 403** (*1 535*) та **132** тага ёки *8,6* фоизга камайган;
- Бош прокуратура ишонч телефони: **194** (*158*) та *36* тага ёки *22* фоизга кўпайган;
- Такрорий мурожаат: **1 029** (*1 633*) та **604** тага ёки *36,9* фоизга камайган;
- Дубликат мурожаат: **517** (*326*) та **191** тага ёки *58* фоизга кўпайган.

Мурожаатлар мазмунига кўра:

- Бошқа муассасага ўтказиш: **3 198** (*4 258*) та **1 060** тага ёки *24,9* фоизга камайган;
- Афв этиш масаласи: **2 432** (*3 765*) та **1 333** тага ёки *35* фоизга камайган;
- Маҳкумларни соғлиғи, моддий ва ижтимоий таъминоти бўйича: **679** (*560*) та **119** тага ёки *21* фоизга кўпайган;



- Маҳкумларни жазо турини енгилроғи билан алмаштириш бўйича: **1 506 (839)** та **667** тага ёки **79** фоизга кўпайган;

Маҳкумларни пул ўтказмалари бўйича: **326 (345)** та **19** тага ёки **5,5** фоизга камайган.

Ходимлар билан боғлиқ муурожаатлар юзасидан ўз тасдиғини топган ҳолатлар мавжуд эмаслиги ўтказилган таҳлил натижаларида ўз аксини топади[16].

Юқори ташкилотга ёзилган маҳкумнинг муурожаатида унинг содир этган жинояти (*ЎзР Жиноят кодексининг моддаси, жазо муддати*), фамилияси (*исми, отасининг исми*) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши лозим. Маҳкумнинг муурожаати муассаса томонидан белгиланган манзилга муассаса раҳбарининг имзоси билан юборилади. Кузатув хатида муассасанинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (*почта манзили*), алоқа телефонлари ва факслари рақамлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак. Муурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин. Муурожаат муурожаат этувчи маҳкумнинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Маҳкумнинг муурожаатини муурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу муурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (*исми, отасининг исми*), содир этган жинояти (*ЎзР ЖКнинг моддаси, жазо муддати*) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак. Муурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

Маҳкумларнинг суд ва бошқа органларга афв ёки жазо муддатларини қисқартириш мазмунидаги муурожаатларига уларнинг ҳукм, ажрим ва бошқа зарур ҳужжатлари илова қилинади. Шунингдек, ЖИЭД томонидан муурожаатлар билан ишлаш тизимида жисмоний ва юридик шахслар учун енгиллик яратиш мақсадида www.iivjied.uz расмий сайти яратилган.



Ушбу сайт орқали жазони ижро этиш тизимда амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиликлардан хабардор бўлиб бориш билан бирга, маҳкумларнинг яқин қариндошлари ва бошқа жисмоний шахс ёки юридик шахснинг вакиллари томонидан тўғридан-тўғри электрон шаклда мурожаат қолдириш имконияти ҳам яратилди. Бунинг учун сайтдаги “мурожаатлар” рукнига кириб, дастлаб “мурожаат қилиш тартиби” билан танишилади ва “мурожаат юбориш” саҳифаси орқали жисмоний шахс ёки юридик шахснинг вакиллари ўзи ҳақидаги маълумотларни киритиб, мурожаатини қолдиради. Қолдирган мурожаатига жавобни эса мурожаатни юборган вақтида тизим томонидан тақдим этиладиган ва эслаб қолиши лозим бўлган кодни “мурожаат ҳолатини текшириш” саҳифасига кириб махсус “мурожаат рақами” бўлимига киритиш орқали билиб олиш мумкин бўлади[17].

Жазони ижро этиш тизими фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан Жазони ижро этиш департаментининг 71 231-31-88 ёки 71 231-34-60 телефон рақамларига ҳам оғзаки мурожаат қилиш мумкин. Жазони ижро этиш департаменти фаолияти ҳақидаги маълумотлар ва янгиликлардан www.iivjied.uz сайти билан бир қаторда facebook (JIED.UZ) ва телеграм (JIEDUZ) ижтимоий тармоқларидаги саҳифалар орқали ҳам хабардор бўлиб бориш имкони мавжуд. Маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлаш мақсадида локал тармоқлар ва ягона ҳимояланган корпоратив тармоқни ривожлантириш орқали ёпиқ турдаги жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар мурожаатларининг электрон ҳисобини юритиш ва рақамлаштиришни ҳамда бунинг учун жазони ижро этиш тизимида ахборот технологиялари коммуникация инфратузилмасини модернизация қилишни тақлиф этаман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // [URL:http://www.lex.uz](http://www.lex.uz).
2. Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президенти. <https://uza.uz>



3. 2017 йил 11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида» ЎРҚ-445-сон Қонуни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси.
[//URL:http://www.lex.uz](http://www.lex.uz).

4. Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги ЖИЭД Ахборот хизмати.
[//URL:https://iiv.uz](https://iiv.uz).

5. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президент 2017 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма олти йиллига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи.
<https://kun.uz/news/>.

6. 2024 йил 24 апрелдаги “Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари” 200-сонли Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруғи.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб таомиллар тўғрисида”ги қонуни.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга дойр чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4904-сон фармони,

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқданган “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида намунавий низом”.

10. Ўзбекистон Республикаси Кодекслар тўплами. Расмий нашр. - Т.: Адолат, 2019. - Б. 960

11. А.А.Nasritdinov-2025 Одам савдосини олдини олиш чоралари
<https://journalss.org/index.php/mod/article/view/3114>



12. A.A.Nasritdinov-2025 axborot texnologiyalari yordamida noqonuniy giyohvand savdosini foshetish:huquqiy va texnik jihatlari <https://journalss.org/index.php/mod/article/view/3113>

13. A.A.Nasritdinov-2025 Ички ишлар органларининг тезкор қидирув бўлинмаларида қидирув ишини ташкил этишининг таҳлили (Жазони ижро этиш муассасалари мисолида) <https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=8543180531167231457&btnI=1&hl=ru>

14. A.A.Nasritdinov-2025 Одам савдосига қарши кураш тенденцияси <http://journalss.org/index.php/obr/article/download/3081/2907>

15. A.A.Nasritdinov-2025 darknet va onlayn qora bozorlarni monitoring qilish usullari <http://journalss.org/index.php/obr/article/download/3013/2845>.

16. Исомиддинов, С. "Фирибгарликнинг виктимологик профилактикасини такомиллаштиришнинг асосий йуналишлари." Жамият ва инновациялар-Общество и инновации-Society and innovations Journal home page: <https://inscience.uz/index.php/socinov/index> Б (2024): 185-192.

17. Исомиддинов С.Ф. (2025) Issues of implementing best practices in viktimological prevention of fraud//Huquqiy olam ilmiy-amaliy jurnali. <https://sindex.uz/ru/article/issues-of-implementing-best-practices-in-viktimological-prevention-of-fraud/> ISSN 2181-3604 2025// Б. 132-138